

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMÝ-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДГИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ НИКОХ ТҮЙИГА ТЕГИШЛИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

(Тарихшунослик мисолида)

Сатимова Нодира Гулімбаевна

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Тарих факультети “Тарих ўқитиши методикаси” кафедрасы асистиент ўқитувчиси.

Таянч сўзлар: никоҳ, совчилик, никоҳ тўйлари, маросим, шўр патир.

Ключевые слова: Брак, сватовство, свадьба, мероприятие, слоёный хлеб.

Key words: Marriage, matchmaking, wedding, ceremony, shur patir.

Дунёдаги кўплаб бошқа халқлар сингари Қорақалпогистон ўзбекларининг тантаналари орасида никоҳ тўйлари ўзининг турли урф-одатлари ва ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб турди. Қорақалпогистон ўзбеклари никоҳ тўйлари оилавий ҳаёт тарзи ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан бир-биридан ажойиб урф-одатлар ва удумлар бажарилади.

Ўзбек халқининг қадимиј анъаналари, расм-русумлари, дунёқараши, урф-одатлари, турмуш тарзи, асрлар бўйи жамланган ҳаётий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган энг жозибали маросимларидан бири никоҳ тўйидир.

Никоҳ [1] умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган урф-одат бўлиб, ибтидоий жамиятнинг сўнгги даврида юзага келган ва кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросим шаклини олган. “Никоҳ” асли арабча сўз бўлиб, “эр-хотинликнинг шариат йўли билан қонуний расмийлаштириш”, “оилавий иттифоқ” деган маънени билдиради[2] Яъни никоҳ – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқдир.[3]

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготут-турк” асарида, никоҳ тўйи билан боғлиқ бир қанча сўзларнинг изохи келтириб ўтган.[4] А.Фитратнинг таъкидлашича, никоҳ – бу ҳаётда дўст, баҳт ва баҳтсизликда шерик, ғам-қайгу вақтида ҳамдам, хушнуд дамларда бир-бирларига ёр бўлишни истаган эркак ва аёлнинг шахсий ва ижтимоий вазифаларини биргалиқда бажаришлари лозим бўлган иттифоқдир. Никоҳ эр-хотин ўртсидаги ўзаро тенглик ва ўзаро хоҳиш

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

асосида тузилган ахду паймон битими, муҳаббат ва меҳр билан ҳаётда шерик бўлиш демакдир.

Дастлаб мавзунинг тарихшунослигига тўхталаадиган бўлсак, оила, никоҳ тўйлари ҳақида бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Булар ичида асосан мавзуимизга яқин бўлган Қорақалпоқларнинг анъаналари ва урф-одатлари ҳақида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар ҳақида тщхталиб ўтамиз.

Х.Есбергенов ва Т. Атамуратовнинг “Шаҳарлик қорақалпоклар ҳаётидаги анъаналар ва уларнинг шаклланиши” номли монографиясида анъанавий никоҳ шакллари, қудачилик турлари ва никоҳ тўйи маросимлари тадқиқ этилган бўлиб, ундаги анъанавийлик ҳамда замонавийлик қиёсий таҳлил қилинган.[5] Бундан ташқари никоҳ кўринишлари, тўй маросимлари ва анъаналар ҳақида ҳам илмий мақолалар чоп эттирган.

К.Мамбетовнинг “Қорақалпоқларнинг этнографик тарихи”[6] китобида қорақалпоқ халқининг пайдо бўлиши, миллий ўзгачалиги, хўжалиги, сёсати, кийим – кечаклари, миллий урф – одат ва маросимлари, тўй қўшиқлари ҳақида маълумотлар берилган.

Б.Бегжанованинг илмий тадқиқоти “Қорақалпоқ тўй маросими фольклорининг тарихий-этнографик хусусиятлари” (никоҳ тўйи маросимлари мисолида.) [7] мавзусида бўлиб, қорақалпоқларнинг оила-никоҳ муносабатлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар генезиси, эволюцияси ҳамда этнолокал хусусиятларини фольклор манбалари асосида тадқиқ қилган.

С.Есбергенованинг “Қорақалпоқлар анъаналари, тўй, маросимлари ва қадриятлари” мақоласида қорақалпоқ халқининг маънавий қадриятлари, унинг шакилланиши ва барча шариат қоидаларига риоя этиш тартиби ҳақида сўз борган.[8]

Бундан ташқари кўпкина тадқиқотчилар қорақалпоқлар ҳақида кўпгина илмий изланишлар олиб борганлар, аммоа Қорақалпоғистон худудида яшовчи ўзбеклар ҳақида умуман ҳеч нарса ёзилмаганлиги, биз танлаган мазунинг долзарблигини билдиради.

Никоҳ тўйи тантаналарини бошлаб берувчи дастлабки маросим бу совчилик ҳисобланади. Совчилик тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Совчилар тўғрисидаги илк маълумотлар VII – VIII асрларга оид Ўрхун – Энасой битикларида учрайди. Тунюқуқ битиктошида “сов” сўзи “саб” – сўз, гап маъносида, ирқ (фол китоби)да эса “саб” – сўз, “сабчи” – хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган.[9] Ўз навбатида, ўрта асрлар машҳур тилшуноси Маҳмуд Қошғарий

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

буни “совчи – келин ва күёв орасидаги бир-бирига хабар элитувчи” деб изохлаган.[4] Совчи нафақат икки ёшнинг бошини қовуштиришда, балки баҳтли турмуш қуриб кетишида ва икки хонадон ўртасида яхши муносабат ўрнатишида ҳам воситачидир.[10] Шу боис күёв томон қиз томонга ўзларининг энг ишончли одамларини совчи қилиб юборганлар. Бундан ташқари әлчиликка борадиган одам хоҳ эркак, хоҳ аёл киши бўлишидан қатъий назар доно, оқила, кўпни кўрган, обрў-эътиборли бўлиши керак.

Совчилик маросимидан олдин қиз танлаб олиш ҳам энг муҳим вазифалардан биридир. Энг биринчи навбатда күёв бўлиш арафасидаги йигитдан бирон-бир қизга кўнгли бор ёки йўқлиги сўралади. Мабодо йигитнинг кўнгил қўйган қизи бўлмаса, унинг ота-онаси ва яқин қариндошлари томонидан қиз қидирилади. Агарда маъқул қиз топилса, олдин қизнинг ота-онаси, насл-насаби, қариндош уруғлари ҳақида сўраб-суриштирилади. Бундан ташқари қизнинг ҳусну жамоли, соғлиги, одобу-тарбиясига, қолаверса, эгаллаган маълумоти ва касб-хунарига ҳам алоҳида эътибор берилади. Агарда танланган қиз йигитга ва ота-онасига маъқул бўлса совчиликка боришади. Қорақалпоғистонда яшовчи ўзбекларда асосан совчиликка эркаклар қуёвнинг отаси, амакиси ёки тоғаси боришади. Қиз томондагилар хонадондаги энг ёши улуғ кишидан, яъни “бобоси ёки момосининг олдиdan ўтайлик”, ёки “қариндошлар билан маслаҳатлашиб кўрайлик” деб жавоб беради. Иккинчи ёки учинчисида (агар номзод маъқул келса) ёшлар бир-бирини кўрсин, гаплашсин дейишади. Розичилик аломати сезила тўйдан олдин Аёллар шириналклар солинган дастурхон олиб борадилар. Қизнинг ота онаси розилик билдирилса, дастурхон очилади, акс ҳолда шундайлигича қайтариб юборилади. Шу тариқа қиз томоннинг розилигини олгач фотиха тўйидан олдин бўлгандан маросимга тайёргарчилик киришади.

“Шўр патир” –совчиликнинг бу тури “фотиҳа тўйи” маросимидан олдин бўладиган маросимлардан бири. Бу маросимни “эшикочар”, “нон синдириш”, “оқ ўрап” деб ҳам аталади. “Эшикочар” маросимида қиз тарафга қўни-қўшнилар ва қариндош ўруғлар ёрдамида 9 нон, 9 патир, 9 қатлама тайёрлашади ва оқ дастурхонларга солиб олиб боришади ва 10 м энг яхши матодан, 10 м оқ мато, 10 та эркаклар учун куйлак, 10 м велюр ва румол олиб борилади. Шу куни қалин пулини ҳам боришади. Қалин мол масаласи бугунги кунгача сақланиб қолган. Тўғри буни биз икки хил маънода тушунишимиз муимки. Биринчи томондан бу тўғридан тўғри одам савдоси, иккинчи томондан эса қизнинг ота-онаси қизига қалин пулига уй-рўзғор буюмлари олиб беради. Яъни күёв тараф берган қалин пули

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

уларга қайтади. “Народы Средней Азии и Казахстана” (Үрта Осиё ва Қозоғистон халқлари) туркумидаги түпламда ҳам ўзбек жамиятида тўй ва мотам маросим ва урф-одатлари ўтказиш тартиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.[11] Масалан: Ҳозирги кунда ҳам никоҳ-тўйи зиёфат ташкил этиш, келин ота-онаси, ака-укалари ва қариндошларига совға-саломлар бериш билан боғлиқ катта харажатга эгадир. Келиннинг оиласи қизининг сепига қуёв томондан берилган қалин пулиданда кўпроқ маблағ сарф қиласди. Одатда сепига бир неча тўплам кийим, майший техника бўюмлари ва бошқа майда маҳсулотлар берилади. Энди масаланинг яна бир томони бор, қизнинг ота-онаси камбағал бўлса ёки йигит томон камбағал бўлса у шунча пулни бера олмайди. Ундаги ҳолат ҳам бизнинг тадқиқотимиздан четда қолмаган. Йигит ёки қиз тарафдаги қариндош уруғларнинг ёрдами орқали ўтказишади. Бундан ташқари шу куни тўй кунини ҳам белгилаб олишади. Тўй уйда, кафеда, ресторанда ўтказилади. Айримлар уйда тўй қиласди ва шу билан чекланади, айримлар катталар ва ёшлар тўйини ҳам битта ресторанда ыилишади.

“Патё тўй” (фотха тўйи) Бу маросимга нисбатан “патир” ва “потия тўй” номлари баравар қўлланилади ва бу икки хил ном бир хил маросимни ифодалайди. Қуёв хонадонида шу куни қариндош-уруғ ва қўни-қўшниларнинг кўмагида нон ва патирлар ёпилади, қатламалар пиширилади. Қудаларнига олиб бориладиган харажат ва сарполар тахланади. Бу маросим никоҳ тўйи таркибини ташкил этувчи тадбирлар ичida энг асосийларидан бири ҳисобланади ва унга келин хонадонида ҳам тайёргарлик қўрилади. Фотха тўйида ҳам қиз тарафга қатлама, патир, нон оқ дастурхонларга ўраб олиб боришади.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, бу мавзимиз хали тадқиқот қилишни талаб қиласди. Ўзбек халқида совчилик маросими ва тўйгача ўтказиладиган маросимлар қадим даврлардан вужудга келиб шаклланиб келган халқона урф-одатлардан биридир. Совчилик маросими нафақат икки ёшни қовуштириш учун ишни битириш, балки азалий қадриятларни асраб авайлаш, ҳурмат қилишга ундовчи қадриятлардан ҳам ҳисобланади. Шунингдек, совчилар икки ёшнинг баҳтли турмуш қуриб кетишида уларнинг ота-онаси қаторида бирдек масъул бўлган шахс ва икки хонадон ўртасида яхши муносабат ўрнатишда воситачи ва қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тошева Т. С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлар / тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилгин дисс. – Т., 2002. – Б. 24.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т. И. М.: “Рус тили”, 1981. – Б. 502.

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

3. Ўзбекистон энциклопедияси. 12 томлик
4. Махмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. –Т.: Фан, 1963. Т. 3. –Б. 169.
5. Есбергенов Х, Атамуратов Т. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. – Нукус: Каракалпакстан, 1975. – 212 с.
6. Мамбетов.К . Қорақалпоқларнинг этнографик тарихи. Нукус 1995.
7. Бегжанова Б. Қорақалпоқ тўй маросими фольклорининг тарихий-этнографик хусусиятлари (никоҳ тўйи маросимлари мисолида.) Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Нукус 2020.
8. Журнал. [Научно-практические исследования](#). Россия. Омск.2020-21-22с.
9. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий диний эътиқодлари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. –Б. 89.
- 10.Мардонова Г. Нур тўла уй. –Т., “Мөҳнат” нашриёти, 1992. –Б. 5;
- 11.Народы Средней Азии и Казахстана. Том. I. – М.: Издательство АН СССР, 1962. – С. 328.